Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Ғазета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 213 (7. 302) 1990 йил 18 сентябрь, сешанба Баҳоси 3 тийин.

*Москва, Кремль*

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ А. И. ЛУКЬЯНОВГА

Ҳурматли Анатолий Иванович!

Ўрта Осиё минтақасида кескинлик ва миллатлараро тўқнашувлар кучайиши эҳтимолининг олдини олиш, шунингдек Ўш вилоятидаги фожиали воқеаларга сиёсий баҳо бериш ҳамда айбдорларни жазолаш мақсадида СССР халқ депутати ўртоқ Крючков бошчилигидаги минтақадаги ишларнинг аҳволини ўша жойнинг ўзига бориб ҳар томонлама ўрганган СССР Олий Совети комиссиясининг ҳисоботини қўшимча масала сифатида СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг кун тартибига киритишингизни қатъий илтимос қиламан.

Бизнингча, муҳокамага КПСС Марказий Комитети масъул раҳбарларининг минтақага сафари натижаларига доир материалларни ҳам қўйиш лозим.

Илтимосимни СССР халқ депутатлари эътиборига етказишингизни сўрайман.

**Ўзбекистон ССР Президенти,**
**СССР халқ депутати**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 17 сентябрь.



Мутасаддилар фикрича...

## Кўчаларга ном берганда

**Д. САИДОВ,**

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Атамалар комиссияси раисининг ўринбосари.**

— Бизга ҳам кўчаларга ном бериш ва уларни қайта номлаш учун қандай ҳужжатлар кераклиги ҳақида хатлар келиб турибди. «Оқшом» рўзномачиларига яна бир бор эслатиб ўтамиз. Ном бериш ва қайта номлаш жамоатчилик ташкилотлари тавсияномалари бўйича район Советлари ижроия комитетлари йиғинларида кўриб чиқилади. Номи тавсия қилинаётган шахснинг халқ ва партия олдидаги хизматлари ҳамда меҳнат фаолиятлари чуқур ўрганилиб, таклиф лойиҳаси тавсиянома билан бирга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Атамалар комиссиясига тақдим қилинади.

Атамалар комиссиясига жамоатчилик тавсияномаси, архив маълумотлари, район Совети ижроия комитетининг номи ўзгартириладиган кўча аҳолиси, ташкилот билан келишилган ҳолдаги тавсияномаси, кўчанинг шу кўчада жойлашган катта корхоналар, муассасалар ўлчамлари қайд этилган хомаки чизмаси тақдим этилиши, ана шу ҳужжатлар тўла бўлгач бизга мурожаат қилиниши керак.

## Уйни совға қилмоқчимисиз?

**З. ЎРАЗБОЕВА,**

**1-шаҳар Давлат муҳрдорлик идорасининг бошлиғи.**

— Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтда кўплаб ота-оналар ўзларининг шахсий уйларини ёки давлат томонидан сотиб олинган турар жойларини ўғил, қизларига ёки набираларига қонуний йўл билан ўтказиб қўйиш учун идорамизга мурожаат қилишмоқда. Баъзан шундай бўлади. Она ўз номидаги уйини ўғлига совға қилиб ўтказиб қўймоқчи бўлади. Ўғлининг эса уйи бор. Агарда ўғилнинг 18 ёшдан ошган фарзанди бўлса онанинг розилигига қараб набиранинг номига уйни ўтказиб қўйиши мумкин. Фақат юридик ҳужжатлар тўла бўлиши, давлат уйида турган оила ихтиёридагилар паспорти билан муҳрдорлик идорасида ёзма равишда розилик беришлари керак. Умуман ана шундай ва шунга ўхшаш муҳрдорлик идораси орқали бажариладиган ишларни адо этиш учун районлардаги муҳрдорлик идорасига ва бизга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилгоҳимиз: Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 10-уй, метронинг «Ҳамза» станцияси.

## Ўзбек шаробига олтин нишон

**С. ВОҲИДОВ.**

**Тошкент шароб комбинатининг директори.**

— Рўзнома муаллифларининг қизиққанларича бор Бугунги кунда комбинат аҳли томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар фақат мамлакатимиздагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Айниқса, кейинги йилларда «Оқ мусаллас», «Баян Ширин», «Мускат» ва «Ўзбекистон» каби шаробларга бўлган талаб ортиб кетди.

Ўтган йили Болгариянинг Варна шаҳрида турли мамлакатлардан ташриф буюрган шароб тайёрлаш корхоналарининг усталари ўзлари тайёрлаган шаробларнинг кўргазмасини ўтказишди. Ана шунда бизнинг комбинатдан ҳам бир гуруҳ мутахассислар иштирок этишиб, 12 марта нишонга сазовор бўлган «Ўзбекистон» шаробини кўрсатишди.

Яқинда хушхабар олдик. «Ўзбекистон» шароби Варнада ўтказилган жаҳон кўргазмасида 13-маротаба олтин нишонга сазовор бўлибди. Куни кеча Бутунжаҳон шароб тайёрлаш уюшмасининг президенти, профессор Н. Павленко ана шу нишонни жамоамизга топширди.





⊙ ИШЧИНИНГ ОРЗУСИ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Мавлуда Раҳимованинг орзуси 1-бичув цехи жамоаси ўртасида доимо илғорлар сафида бўлишдир.

Шу бирлашма 1-бичув цехи пешқадам ишчиси, комсомол аъзоси Ҳасан Идиев.

И. Шербек суратлари.

## Тошкент шаҳар Совети сессияси

Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг учинчи сессияси шу йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг Сиёсий маориф уйида ўз ишини давом эттирди.

Сессия ёшлар ишлари бўйича доимий комиссиянинг қурилаётган шаҳар уй-жой-коммунал комплексининг табобат-санитария қисмини байналмилалчи-жангчилар, ногиронлар сиҳат-саломатлигини тиклаш маркази тариқасида топширишга доир сўрови ҳақидаги масалани кўриб чиқишни давом эттирди.

Бир ҳафта муқаддам ушбу масала Тошкент шаҳар Советининг доимий комиссиялари, байналмилалчи-жангчилар ва запасдаги жангчилар уюшмасининг вакиллари билан биргаликда шаҳар Совети ижроия комитетида муҳокама қилинган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов табобат-санитария қисми қурилишидаги ишларнинг аҳволи ва ижроком қабул қилган қарор билан депутатларни таништирди. Барча манфаатдор томонларнинг розилиги билан қурилиш давом эттирилади, қурилаётган корпуслардаги ўринлар эса сиҳат-саломатликни тиклаш маркази ва табобат-санитария қисми ўртасида тенг тақсимланади. Кейинчалик комплекс ҳудудида сиҳат-саломатликни тиклаш маркази учун янги корпуслар қурса бўлади.

Бир киши қарши ва беш киши бетараф қолгани ҳолда сессия мазкур қарорни тасдиқлади.

Тошкент шаҳар Совети мандат комиссияси тақдимига кўра берган аризаларига мувофиқ 171-сайлов округидан Тошкент шаҳар Советининг депутати А. А. Манасовнинг ва 193-сайлов округидан Тошкент шаҳар Советининг депутати А. А. Шишкиннинг депутатлик ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Сессия қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот доимий комиссиясининг тақдимига кўра Х. Х. Жалиловни Собир Раҳимов район халқ судининг раиси этиб сайлади. Ф. К. Шодмонов ва М. Р. Ҳошимов Собир Раҳимов район халқ судининг халқ судьялари этиб сайландилар.

Сессияда қайтадан тузилган шаҳар Совети доимий комиссияларининг раислари сайланди. Депутат Д. А. Абдуллаев Советлар, уларнинг ижро органлари ишлари ва Тошкент шаҳрида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича доимий комиссиянинг раиси ҳамда Тошкент шаҳар Совети президиумининг аъзоси этиб сайланди.

Депутат Қ. Ф. Фозилхўжаев ижтимоий таъминот, уруш ва меҳнат кексалари ишлари ҳамда ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича доимий комиссиянинг раиси этиб сайланди.

Шу билан сессия ўз ишини якунлади.

## Мавсумий либослар

**⊙ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Қизил тонг» бирлашмаси чеварлари жумҳурият аҳолисини мавсумий либослар билан таъминламоқда.**

БУГУН корхона жамоаси янги мавсумий кузги енгил пальтолар намунасидан 200 тасини тайёрлади. Бу либослар замонавий кўринишда бўлиб турли ёшлардаги хотин-қизларга мослаб тикилган. Чеварларнинг янги маҳсулотлари билан корхонанинг фирма савдо дўконида танишиш мумкин. Бу ерда исталган кўринишдаги пальтолар учун буюртмалар ҳам қабул қилинади.

## Ишдан бўш вақтларида

**⊙ «ЗЕНИТ» заводи ишчилари ишдан бўш вақтларида Тошкент Бош қурилиш бошқармасининг 68-қурилиш бошқармаси жамоаси қуриб берган замонавий профилакторийда дам олишмоқда.**

58 ўринли бу даволаниш масканида замонавий тиббий жиҳозлар, уқалаш, парафин билан даволаш каби бир қатор бўлимлар мавжуд. Шунингдек, бу ерда яна шунча киши ишдан ажралмаган ҳолда муолажа олиш имкониятига эга.

## Навбат кутмай

**⊙ ЧИННИ ЗАВОДИ жамоасининг янги ишлаб чиқариш корпусларига эга бўлиши маҳсулот кўлами ва турларининг ошишига омил бўлди.**

БУГУН заводнинг янги бўлимида лаган тайёрлаш ва безаш цехи ва поток линияси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Шунингдек, корхонада 110 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди. Меҳнатни тўғри ташкил этиш натижасида тушликка кетадиган вақт тежалиб, узоқ вақт навбат кутишларга барҳам берилди.

## Болалар уйи учун

**⊙ БУГУН пойтахтимиздаги 29-болалар уйида «Экас» экология ширкати «Аквариум» ва «Қишки боғ» яратиб беришди.**

Яқинда болалар яна бир совға олишади. Ҳимматли ширкатчилар «Митти ҳайвонот боғи» қуришга аҳд қилишган.

## «Мирзо Улуғбек»нинг янги талқини

**⊙ СЕВИМЛИ шоир ва драматург М. Шайхзода қаламига мансуб «Мирзо Улуғбек» пьесаси Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида кўпдан бери қўйилиб келинмоқда.** Санъат кошонаси ўзининг бу йилги мавсумида ана шу саҳна асарини қайта тиклаб, уни кўрсатиш тадбирларини кўрди.

Янгича режада саҳналаштирилган мазкур постановкадаги Улуғбек ролини СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Азизов олиб чиқади. Спектакль саҳна безакларини безашда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом У. Сайдуллаевнинг ижодий хизмати катта бўлди.

## Завқли машғулотлар

**⊙ ЛЕНИН номидаги жумҳурият пионер ва ўқувчилар саройида ҳозир 300 га яқин тўгарак ишлаб турибди.** Шу билан бирга турли ёшлар клубларида ҳам қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда.

«Тинчлик» деб аталган байналмилал дўстлик клуби фаолияти айниқса яхши йўлга қўйилган. Клуб ташаббуси билан жонажон ўлкамизни ўрганиш мақсадида дўстлик сафарлари уюштиришга киришилди. Жойларда ёш дўстларнинг давра суҳбатларини ўтказиш кўзда тутилди.

Шу нарсани қувонч билан айтиб ўтиш керакки, клуб ҳузурида тилларни ўрганишга эътибор кучайди. Ўзбек тили, эски ўзбек ёзуви тўгараклари бўйича машғулотлар бошлаб юборилди. Шунингдек, ҳинд тилини ўрганишга бағишланган тўгарак машғулотларида ҳам кўпчилик фаол қатнашмоқда.

## Фойдаланишга топширилди

**⊙ БУГУН кенжа Бектемир районидаги «Водник» даҳасида 154 оилага мўлжалланган уй фойдаланишга топширилди.** 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармаси жамоаси томонидан қурилган бу бинонинг ташқи пардози заводда тайёрланган гулли панеллардан иборат бўлиб, даҳа кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Бу райондаги ўнинчи 9 қаватли турар жой биносидир.

Симда—«01»

## Ёнғин тафсилотини маълум қиламиз

**«ОҚШОМ»нинг кечаги сонида якшанба куни Лангар кўчасидаги 72-боши берк кўчада жойлашган Сомон бозорда рўй берган ёнғин ҳақида хабар қилинган эди. Мухбиримиз ана шу ёнғин ҳақида муфассал сўзлаб бериш учун шаҳар ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасига мурожаат қилди. Ана шу ҳодиса қандай рўй бергани ҳақидаги фактларни келтирамиз.**

Бу ёнғин ҳақида соат 16 дан 36 дақиқа ўтганда хабар келди. Ўт ўчирувчиларнинг дастлабки гуруҳи етиб келган вақтда (у 4 дақиқа ўтиши биланоқ етиб келди) 3 минг квадрат метр майдондаги эски қурилиш ёғоч материалларини олов қоплаган эди. Шунингдек, Лангар кўчасидаги 7 та турар жой биноси ҳам ўт ичида қолган эди. Яна қўшимча суратда ўн олтита ўт ўчириш ва тўртта махсус машиналар зудлик билан юборилди. Бу ишларга СССР Ички ишлар вазирлигининг ўт ўчириш-техника мактабининг Тошкент факультетидан ўттиз офицери ва қирқ курсанти жалб этилди. Бу ерга Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи И. Н. Норгитов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи В. Д. Добрий, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ж. Ю. Камолхўжаевлар етиб келишди.

Жуда катта тезлик билан аланга эски қурилиш материалларини елга учирар эди, негаки ёнғин кўтарилган бутун майдон у билан лиқ тўла эди. Бу ердаги турар жой биноларига ҳам ёнғин тез тарқалди. Бунга бутун майдоннинг ўта пала-партиш ҳолда ёғочлар билан тўлдириб ташланганлиги ҳам сабаб бўлган. Ёнғинни ўчириш тор кўчалар бўлганлиги учун, эски, нураб турган иншоотлар, сув манбаининг анча узоқда жойлашганлиги туфайли қийинлашди.

Бутун куч-ғайрат ишга солиниб, соат 17 дан 51 дақиқа ўтганда ёнғинни тўсишга, соат 18 дан 30 дақиқа ўтганида эса уни бартараф этишга муваффақ бўлинди. Аммо олов 5 минг квадрат метр майдондаги ёғоч қурилиш материалларини, 1500 квадрат метр майдондаги 13 уйнинг кулини кўкка совуриб юборди. 28 оила бошпанасиз қолди. Бу оилаларнинг бахтига ҳеч қандай қурбонлар бўлмади.

Хўш, ёнғин қандай чиқди? Тахмин этилаётган сабаблардан бири шуки, тандирдан олиб чиқиб ташланган қўрдан ёнғин чиққан. Ҳозир текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида ёнғиндан озор чекканларга ёрдам кўрсатиш штаби тузилди.

## БУГУНГИ СОНДА:







⊙ МАЪЛУМИНГИЗКИ, шу кунларда келгуси йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна давом этмоқда. «Оқшом» рўзномаси бир гуруҳ ижодкорларининг шу йил 10 сентябрь куни Ўзбекистон «Ойнаи жаҳони» орқали ўз мухлислари билан юзма-юз учрашганларидан хабарингиз бор. Ана шу мулоқот давомида муштарийлардан тушган жуда кўп саволларга жавоблар ва шу кунларда рўзнома муҳарририятига келаётган мактублар билан танишмоқчи бўлсангиз рўзноманинг иккинчи саҳифасида «Оқшом» муштарийлари «Оқшом ҳақида» сарлавҳали мақолани кўздан кечиришни маслаҳат берамиз...

⊙ ИККИ ёшни қовуштирувчи, бир мақсад, бир тилак сари қўйиладиган қадамга бериладиган оқ фотиҳа. Тўй эгаси фарзанди ҳаётида бир умрга муҳрланиб қоладиган бахтиёр лаҳзаларнинг иложи борича тўкин-сочинликда, хушчақчақ ўтишига ҳаракат қилади. Лекин бу гал ўзбек тўйларига кетадиган сарф-харажатлар ҳақида эмас, балки шу шодиёнага шерик бўлиш учун келган меҳмонлар хусусидаги айрим мулоҳазалар билан танишиш истагида бўлсангиз «Оқшом» рўзномасининг учинчи саҳифасидаги «Айтилмай қолган дил сўзлари» сарлавҳали мақолани бир ўқиб чиқинг...

⊙ Маълумки, Украинанинг Новая Таховка шаҳрида қўл тўпи бўйича Бутуниттифоқ жисмоний тарбия ва спорт кўнгилли жамияти Касаба уюшмаси биринчилигининг финал учрашувлари бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда ҳамшаҳарларимиз эришган ютуқлардан хабардор бўлай десангиз, Қибрайдаги салқин ичимликлар комбинатининг «Пепсико» футбол командасининг қўлга киритаётган ютуқлари билан танишмоқчи бўлсангиз рўзноманинг тўртинчи саҳифасидаги спорт хабарларига бир кўз югуртирсангиз олам гулистон...

## «Оқшом» рўзномаси «Тошкент ҳақиқати» меҳмони

БИЗНИНГ рўзномамиз жумҳурият пойтахтида чоп этилишига қарамасдан мана уч йилдан бери Ўзбекистондаги кўпгина хонадонлар эшигини қоқади, уларга хушхабарлар элтади, дардларига шерик бўлиб, баҳоли қудрат кўмаклашади. «Тошкент оқшоми»нинг 80 минг нафардан кўпроқ муштарийси вилоятларда эканлиги бунинг далилидир. Ана шу муштарийларимизнинг кўпчилик қисми пойтахт вилоятида истиқомат қилишади. Шу боисдан уларни «Тошкент оқшоми»нинг 1991 йилги режалари, рўзнома юзини кўрадиган янги саҳифа ва рукунлари қизиқтириши табиий, албатта. Ана шуни ҳисобга олиб «Тошкент ҳақиқати» вилоят рўзномаси бугун ўз саҳифасига «Тошкент оқшоми»ни меҳмонга чақирган. Ушбу саҳифада «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг муҳаррири Э. Эрназаров «Чораи аср эл ташвишида» сарлавҳали мақоласида муштарийларни рўзноманинг 1991 йилги режаларидан хабардор қилади. Рўзнома ижтимоий-сиёсий муаммолар бўлимининг мудири Т. Тошев, фан, маданият, ахлоқ бўлимининг катта мухбири Р. Бобомуҳамедов, махсус мухбир А. Нуримов, катта мухбир С. Шодиевлар келгуси йили «Оқшом» юзини кўрадиган янги рукунлар ҳақида, бўлимларнинг олдида турган катта вазифалар тўғрисида аниқ мисоллар асосида ҳикоя қилганлар. Ушбу саҳифада муштарийларнинг «Оқшом» рўзномаси ҳақида билдирган дил сўзлари ҳам берилган.

Хуллас, «Тошкент ҳақиқати»нинг «Оқшом»га бағишланган бугунги саҳифа материаллари ҳар иккала рўзнома муштарийларида қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.



⊙ Янгиликлар билан Р. Файзуллаев, Д. Облаев, С. Обидова, С. Султоновлар таништиришди.

